

# **Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказида нашр этилган китоблар тақдимоти ўтказилди**



17:15 / 13 марта 505

Бугун, 13 марта куни Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтида Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан янги нашр этилган «Таъвилот ал-Куръон», «Бахрул калом», «Абу Мансур Мотуридий», «Исломда таълим», «Хаттотлик санъати жозибалари» каби 10 дан зиёд китоблар тақдимоти ўтказилди. Тақдимотда устозлар ҳамда битирувчи курс талабалари иштирок этишди.

Китоб тақдимотига ташриф буюрган марказ бўлим бошлиғи, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) Абдулатиф Аллоқулов ииғилганларни Рамазон билан қутлаб, илмий тадқиқот марказининг фаолияти, жумладан, таҳқиқ қилинаётган асарлар, таҳқиқ борасида Аҳмад Саъд Даманхурий каби улуғ устозлар бошчилигидаги ишлар билан таништирди.

Марказнинг йўналиши икки хил: таҳқиқ ва таржима йўналишларида фаолият олиб бориши. Таржима асарларни етти нафар тадқиқотчи бирмабир кўриб чиқиб, ундан сўнг марказ раҳбари кўриги бўлиши ва шундан кейингина нашрга берилиши айтиб ўтилди. Энг кўп урғу берилаётган

нашрлар «Табсиратул адилла» ва «Таъвилотул Қуръон» асарларининг таржимаси эканлигини ҳам эслаб ўтди.

Шунингдек, маърузада илмий фаолият қилиб ўтган уламоларнинг таржимаи ҳоллари ҳамда мотуридийлик автобиографияси тайёрланаётгани, бу ишда эса маъҳад-мадраса битиruvchilarinинг фаоллиги алоҳида таъкидланди.

Taқdimot сўнгидаги марказ бўлиб бошлиғи Абдулатиф домла институт битiruvchilarini faқatgina имом-хатиблик ёки мударрислик билан чекланиб қолмасдан, илмий тадқиқот марказларига ташриф буюриб, илмий йўналишда ўз устиларида кўпроқ ишлаш имконидан мазмунли фойдаланишларини тавсия қилди.

Шундан сўнг институт раҳбарияти номидан институт кутубхонасига совға қилинган асарлар ва ҳамкорлик учун миннатдорлик маъносида марказ директори Жамолиддин Каримовга ташаккурнома топширилди.